

ШОЛИНИНГ ЎСИШ ДИНАМИКАСИГА БАКТЕРИАЛ ПРЕПАРАТЛАР ВА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР ТАЪСИРИ

Б.Қ.Равшанов

bekzod123@gmail.com

Н.А.Равшанова

ravshanova1973@gmail.com

Шоличилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Ўртапишар Искандар шолининг ўсиш динамикаси ва азотли ўғитлар $N_{50}P_{70}K_{140}$, меъёри Бист, Ер-Малҳам,Замин-М биопрепаратларни таъсири ўрганилди, қўлланилган биопрепаратлар ва ўғит меъёрлари ўсимликларни ўсиш денамикаси таъсир қилиб, қўйидаги натижалар олинди.

Калит сўз: Ўрта пишар Искандар шоли нави $N_{50}P_{70}K_{140}$ меъёри Бист, Ер-Малҳам, Замин-М биопрепаратлар.


Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида шолининг *Oryza sativa* L. Тури етиштирилади. *Oryza sativa* L. учта кенжа турларга бўлинади - *indica*, *sino-japonica* и *javanica*. Европа мамлакатларида кенжа турнинг *sino-japonica* етиштирилади. Бу кенжа тури бошқа турларда ингичка тўқ яшил баргалари, калта думалоқ донлари, ўрта тулланиш даражаси, калта бўйи ва донларнинг кам тўкилиши билан ажралиб туради. *Japonica* эрта пишар, фотопереотизмга таъсирчанлиги паст ва азотли ўғитларга сизгирдир.[1]. Дон ҳосили кўплаб аниқловчи жараёнлар ва хусусиятларнинг мураккаб динамик кетма-кетликнинг якуний натижасидир, илдиз озикланишнинг активлиги, фотосинтез, нафас олиш, моддаларнинг ҳаракатлаувчанлиги, ўсиш ва органогенез.[2]. Бу ирсий жиҳатдан мустаҳкамланган генетик омилларга боғлиқ.[3]. Ўсимликларни агротехник тадбирларни самарадорлигини ошириш учун, маълумотларнинг нафақат якуний натижалар– дон ҳосили, балки ҳосилнинг ҳажмини белгилайдиган асосий жараёнлар ва моқфологик хусусиятлар ҳақида маълумотлар керак бўлади. Нав маҳсулдорлиги назарий жиҳатдан кўплаб тадқиқотларнинг марказида бўлиб келган.[4]. Ўсимликларнинг озуқаларни тақсимланиши ва ассимилянтлар оқимини кучлилиги репродуктив органларни шаклланишига таъсир этиши, фотосинтетик маҳсулдорлигининг хўжалик коэффициенти оширишига олиб келиши ҳақида қайд этди. Шоли экинларни маҳсулдорлигини чекловчи омиллардан бири бу ўсимликларни ётиб қолиш хусусиятларидир, бу эса ҳосилдорлигини тушишига ва сифатига таъсир қилади. Шунинг учун шолининг юқори маҳсулдор навлар ўғитлаш меъёрига нафақат юқори таъсирчан бўлиши керак, балки бошқа навларга нисбатдан ётиб қолишга бардошли булиши талаб этилади.[5] Тажриба услуби қуйидагича.

Тажриба олиб бориш услуги.

Шолининг ўсув даври давомида тажриба майдонида қуйидаги таҳлил, биометрик ўлчов ва ҳисоб-китоблар олиб борилди: Агрохимёвий таҳлиллар: Тупроқдаги гумус миқдорини Тюрин усулида, NO_2 , P_2O_5 , K_2O элементларини умумий миқдорини Л.П.Гриценко, И.М.Мальцева усулида, ҳаракатчан формаларини эса азотни калориметрик усулда, фосфорни Б.П.Мачигин, калийни П.В.Протасов усулларида ҳар йили аниқланди.

Олинган натижалар. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, биопрепаратлар қўлланиши натижасида, шоли “Искандар” навнинг поя баланлигига таъсир қилиб, ўсиши жадаллашганини кўзатдик.

Биопрепаратлар ва ўғитлаш $\text{N}_{50}\text{P}_{70}\text{K}_{140}$ меъёрида қўлланилган вариантларда қуйидаги натижаларни намоён этканлигини кузатдик (расм – 1).



Расм – 1. Биопрепаратлар ва ўғитлаш $\text{N}_{50}\text{P}_{70}\text{K}_{140}$ меъёрида қўлланиши таъсирида шоли “Искандар” навнинг ўсиш динамикаси (тупланиш фазаси)

Ер малҳами + $\text{N}_{50}\text{P}_{70}\text{K}_{140}$ меъёрида қўлланиши ўсимликларни тупланиш фазасида поя баландлиги 42,82 см, Бист + $\text{N}_{50}\text{P}_{70}\text{K}_{140}$ – 46,8 см, Замин М + $\text{N}_{50}\text{P}_{70}\text{K}_{140}$ вариантда эса 45,2 см бўлганлигини кўзатдик. Назорат вариантга нисбатдан энг юкори кўрсаткич Бист биопрепарат қўлланилган вариантда кўзатилгани аниқланди. Тўпланиш фазасида ўсимликларнинг пояси Ер малҳами биопрепарат қўлланилган вариантда энг паст бўлганлиги аниқланди – 42,82 см. Замин М қўлланилган вариантда ҳам ўсимликларнинг поя баландлиги 45,2 см ни ташкил қилган бўлиб, назоратга нисбатдан 0,7 смга паст, Ер малҳами қўлланилган вариантдаги ўсимликлар 3,1 смга паст бўлганлиги кўзатилган. Бист қўлланилган вариантдаги ўсимликлар назоратга нисбатдан 0,9 смга балан бўлди.

Ўғит қўлланилган вариант назоратга нисбатдан (тупланиш фазасида) 7,2 смга, Ер малҳами қўлланилган вариант Ер малҳами + $N_{50}P_{70}K_{140}$ вариантга нисбатдан 0,72 смга, Бист ва Бист + $N_{50}P_{70}K_{140}$ вариантга нисбатдан 5,1 смга, Замин ва Замин М + $N_{50}P_{70}K_{140}$ вариантга нисбатдан 0,4 смга баланд бўлгани аниқланди. Ўғит қўлланилган вариантларда ўсимликларни ўсиш динамикаси баланд бўлиши қўзатишган.

Хулса. Тажрибада майсаланиш ва рўвакланиш фазаларида шоли “Искандар” навнинг биопрепаратлар таъсирида ўсимликларни бўйи назоратга нисбатан эса, мос равишда, Замин М + $N_{50}P_{70}K_{140}$ вариантга нисбатдан 0,4 смга баланд бўлгани аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шабанов Р.М. Технология возделывания риса при дождевании в условиях аридной зоны Калмыкии/ Р.М.Шабанов// Дисс. канд. с.-х.наук.-М.-2016.-с.50.
2. Ничипорович А.А. Теория фотосинтетической продуктивности растений и рациональные направления в селекции на повышение продуктивности//Физиолого-генетические основы повышения продуктивности зерновых культур. М.: Колос, 1975. - С. 5-14.
3. Рубин Б.А., Гавриленко В.Ф. Биохимия и физиология фотосинтеза. -М.: Изд-во МГУ, 1977. 320 с.
4. Ничипорович А.А. О путях повышения продуктивности фотосинтеза растений в посевах//Фотосинтез и вопросы продуктивности растений. М.: Изд-во АН СССР, 1963. - С. 5-25.
5. Ляховкин А.Г. Идеатипы рисовых сортов и агроэкосистем// зерновые и кормовые культуры России. Черноград, 2002. - С. 163-171.